

ГИПОТЕРИОЗ ШАРОИТИДА ТУФИЛГАН ҚИЗ АВЛОД ТУХУМДОН ВА ҚОН ТОМИРЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИЯ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ

Зийёева Гулруҳ Пулот қизи

*Тошкент тиббиёт академияси,
Одам анатомияси ва ОХТА кафедраси*

Юсупова Шахнозахон Абдиқарим қизи

*Тошкент тиббиёт академияси,
Одам анатомияси ва ОХТА кафедраси*

Ибрагимова Шахзода Абдурахимовна

*Тошкент тиббиёт академияси,
Одам анатомияси ва ОХТА кафедраси*

Бердиев Отабек Ваҳоб ўғли.

*Тошкент тиббиёт академияси,
Одам анатомияси ва ОХТА кафедраси*

Аннотация: Ушбу мақолада гипотериоз касаллиги чақирилган онадан туғилган қиз авлодларнинг меда ости бези, тухумдон ва қон томирларининг морфология ҳолатини баҳолашда морфология ва морфометрик текширув тадқиқотлари олиб борилди. Қиз авлод каламушлар тухумдон артериола ва капиллярлар деворида бириктирувчи толаларнинг дезорганизацияси, шунингдек, тухумдон мушак толаларининг оксилли дистрофияси турида ўзгариши, мускул толларининг толаланиши каби патоморфология ўзгаришлар яққол намоён бўлди.

Калит сўзлар: Гипотериоз касаллиги, каламуш, меда ости бези, тухумдон, артериола, капилляр, гемотоксилин-эозин, морфология.

Резюме: В данной статье проведены морфологические и морфометрические исследования по оценке морфологического состояния поджелудочной железы, яичников и сосудов потомства женского пола, рожденного от матери с гипотиреозом. Отмечались патоморфологические изменения в виде дезорганизации соединительных волокон в стенках яичниковых артериол и капилляров самок крыс, а также белковая дистрофия мышечных волокон яичников, фибризация мышечных волокон.

Ключевые слова: Гипотиреоз, крыса, поджелудочная железа, яичник, артериола, капилляр, гемотоксилин-эозин, морфология.

Abstract: In this article, morphological and morphometric studies were conducted to assess the morphological state of the pancreas, ovary and blood vessels of female offspring born to a mother with hypothyroidism. Pathomorphological changes such as disorganization of connecting fibers in the walls of ovarian arterioles and capillaries of female rats, as well as protein dystrophy of ovarian muscle fibers, fiberization of muscle fibers were evident.

Key words: Hypothyroidism, rat, pancreas, ovary, arteriole, capillary, hemotoxylin-eosin, morphology.



Муаммонинг долзарблиги: Экологик шароитни ёмонлашиб бораётгани қалқонсимон без патологияларини оширади. Хозирги вақтда қалқонсимон без касалликлари эндокрин касалликлари орасида биринчи ўринни эгалайди [1].

Қалқонсимон без функциясини бузилиши-гемодинамик узгаришларга жумладан юрак,буйрак, ошқозон ичак системаларини функцияларини сезиларли ўзгариши эндокрин касалликлари билан боғлиқ [2–3].

Қалқонсимон без дисфункцияси ошқозон ичак касалликлари билан чамбарчас боғлиқ. Гастрит, ошқозон яра касаллиги, панкреатит, гепатит, билиар касалликлар, холелитиаз, қабзиат, диария, дисбактериоз касалликлари эндокрин касалликлари билан боғлиқлиги тўлиқ эмас [4].

Қалқонсимон ва меда ости безининг функционал боғлиқлари тўлиқ ўрганилмаган, бунга сабаб гипотерез билан оғриган беморларда меда ости безининг ўзгаришларининг тўлиқ ўрганилмаганлигидадир. Меда ости бези-мослашиш билан боғлиқ асосий орган (П.М.Баевский, 2003) исталган полиорган етишмовчилиги меда ости безининг зарарланиши билан характерланади [7].

Нафас йўлларидаги ҳиқилдоқдан кейин ўпка-бронх дарахти бошланади ва ўпканинг альвеолаларигача бўлган инсонда махсус нафас йўли тизими бўлиб, ўпка паренхимасига боргунча кичиклашиб, торайиб боради ва респиратор бронхиолалар альвеолаларга туташади. Ушбу дарахтга ўхшаш тузилмаларнинг масофада 23 марта тармоқланиб, ўпка-бронх дарахтининг шохларини пайдо қилади [5-6]

Функционал бузилишларига қарамасдан қалқонсимон без марфологик жихатлари малум бўлиб, ошқозон-ичак системаси етарлича ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади: Гипотериоз шароитида туғилган авлод тухумдонларнинг тўқима ва қон томирлар морфология ҳолатини баҳолаш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари: Текширув Тошкент Тиббиёт академияси экспериментал тадқиқот лаборатория марказида 150 та оқ каламушлар олиниб гипотериоз касаллиги чақирилган она қиз авлодларида тухумдон ва қон томирларининг морфология ва морфометрик текширувлари олиб борилди.

Текширув материалларида гипотериоз касаллиги чақирилган онанинг қиз авлодларини қуйидаги қисмларидан олинди: тухумдон, бачодон ва унинг ёндош қон томирларидан макропрепарат олиб ўрганилди. Тадқиқотимизда инструментал (штангенциркуль ёрдамида), умумгистологик, гистокимёвий, морфометрик ва статистик тадқиқот усуллари қўланилди. Олинган материаллар формалинга солиб қуйилди ва кейинчалик 3-5 мкм кесмалар таёрланди. Уларни гемотоксилин-эозин, Шик реакция, Ван-Гизон усуллари билан бўялди.

Гипотериоз билан касалланган каламушларнинг ошқозон ости бези бўлақлари, тухумдон марфология тузилиши

1-расм



<p>А) 7-кунлик оқ каламуш меда ости безининг морфология тузилиши. Гемотоксалин-эозин усулида бўялган. 10x40 ўлчамда катталаштирилган тасвири.</p>	<p>Б) 45- кунлик оқ каламуш меда ости безининг морфология тузилиши. Гемотоксалин-эозин усулида бўялган. 10x40 ўлчамда катталаштирилган тасвири.</p>	<p>В) 100–кунлик оқ каламушнинг меда ости безининг морфология тузилиши. Гемотоксалин-эозин усулида бўялган. 10x40 ўлчамда катталаштирилган тасвири.</p>
--	--	--

Тадқиқот натижалари: гипотиреоз ҳолатидаги она каламушлардан туғилган авлодларида тажрибавий гипотиреоз чақирилганлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида каламушларнинг меда ости беи ва жинсий абзолари тухумдон ва қон томирлари тузилиши аниқланди. Гипотиреоз касаллини чақирилган онанинг қиз авлодари 3 кунлик, 7 кунлик, 25 кунлик, 100 кунлик авлодарнинг морфология ва морфометрик текширувлари олиб борилди. Натижада, тажрибавий гипотиреоз таъсирида қалқонсимон безнинг морфология тузилишида ўзгаришлар кузатилди. Қалқонсимон безнинг тузилишидаги морфология ўзгаришлар тажрибанинг 25 кунида безнинг перифериясида йирик фолликулаларнинг пайдо бўлиши билан асосланди.

Тажрибанинг кейинги кунларида без тўқимасида шиш ривожланиб, коллаген толаларнинг титилиши, қон томирларда ўзгаришлар, коллоид кисталарнинг пайдо бўлиши, безнинг фолликуляр эпителийсидаги хужайраларда дистрофик ўзгаришлар кузатилди. Юқоридаги ўзгаришлар ривожланишига қарамасдан, безнинг бўлакчали ривожланиши сақланганлиги кўринади.

Тажрибанинг илк кунларида вена томирларидаги тўлақонлик, қон-томирлар деворида ўтказувчанликни ошиши ҳисобига плазморрагия кузатилди.

Стромада ўчоқли шишлар аниқланди. Катта фолликулаларда эозинофил коллоид мавжуд. Етилмаган фолликулалар майда кубсимон эпителий билан қопланган. Безнинг периферик қисмларида катта фолликулалар сонининг кўпайиши кузатилади. Безнинг баъзи жойларида кескин катталашган фолликулалар кисталарга ўхшайди. Бундай фолликулаларда эпителийнинг яссиланишини кўриш мумкин. Фолликуляр хужайраларнинг ядролари овал ёки чўзилган шаклда, ўлчами бироз кичрайган. Катта фолликулалар коллоид эозинофил эканлиги аниқланди. Кичик фолликулалар кубсимон эпителий билан қопланган. Безнинг стромасида асосан томирларнинг атрофида фибробластларнинг ўчоқли пролиферацияси кузатилади.



<p>2-расм 7-кунлик оқ каламуш тухумдон безининг морфология тузилиши. Гемотоксалин-эозин усулида бўялган. 10x10 ўлчамда катталаштирилган тасвири.</p>	<p>3-расм 45- кунлик оқ каламуш тухумдон безининг морфология тузилиши. Ван-гизон усулида бўялган. 10x40 ўлчамда катталаштирилган тасвири.</p>	<p>4-расм. 100–кунлик оқ каламушнинг тухумдон безининг морфология тузилиши. Шик реакция усулида бўялган. 10x20 ўлчамда катталаштирилган тасвири.</p>
---	--	---



Тажриба бошланганидан 45 кун ўтгач, безнинг бўлакчали тузилиши сақланиб қолди, аммо бўлакларнинг ҳажми биров камайди. Уларда катта фолликулаларнинг устунлик қилиши, кичик ва ўрта фолликулаларнинг сонини камайиши, атрофик жараёнлар ривожланаётганини кўрсатади (2-3-4 расмлар қаранг).

Тажирибанинг ушбу даврида фолликуляр эпителийда оксил гидропик

дистрофия ва зарарланган тироцитларнинг фолликулани бўшлиғига қисман десквамацияси аниқ намоён бўлади.

Хулоса: Қиз авлод каламушлар тухумдон артериола ва капиллярлар деворида бириктирувчи толаларнинг дезорганизацияси, шунингдек, тухумдон мушак толаларининг оксилли дистрофияси турида ўзгариши, мускул толларининг толаланиши каби патоморфология ўзгаришлар билан намоён бўлди.

Текширув гуруҳидаги қиз авлодлар тухумдонининг ультраструктурасида ўзгаришлар кузатилди, яъни, мускул толларининг некробиозига олиб борувчи митохондрияларнинг энергетик ва метаболит жараёнининг бузилиши билан кечувчи жароҳатланиши ва қисқариш вазифасини бузилишига таъсир қилувчи субмикроскопик ўзгаришларга олиб келиши, шунингдек, қон-томирлар эндотелийсининг транспорт вазифасини бузилиши ва томирлар деворининг бошқа таркибий қисмларига таъсири натижасида хужайра ичи ва целлюла ичи шишининг ривожланишига олиб келди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Моргунова Т. Г., Фадеев В. П., Мельниченко Г.И. Диагностика и лечение гипотиреоза Т.Г. Моргунова, В. П. Фадеев, Г. И. Мельниченко Врач.– 2004. № 3.–С. 26–27.
2. Larsen P. R., Davis T. F., Hay I. D. The thyroid gland. In Williams Textbook of Endocrinology, edn.: London: WB Saunders and Co. 19986. – P. 389–515.
3. Новикова В. П., Юрьев В.В, Ткаченко Е.И., Струков Е.Л., Любимов Ю.А., Антонов П. В. Хронический гастрит у детей с сопутствующими заболеваниями щитовидной железы .В. П. Новикова, В.В. Юрьев, Е.И. Ткаченко, Е.Л. Струков, Ю.А. Любимов, П.В. Антонов .Экспериментальная и клиническая гастроэнтерология. – 2003. – № 4.– С. 75–79.
4. Чумак С. А. Тиреопатии при соматической патологии С.А. Чумак .Мат. наук.-практичн. конференции «Актуальни питания эндокринология дитей тапидлиткив».– 2004.– С. 100–102.
5. Султонов.Р.К, Содиқова.З.Ш, Бобоёров.С.У. Dynamics of fat cels of the bronchial tree mucosa in postnatal ontogenesis. // Central Asian Journal of Medical and Natural Science (CAJMNS) –Toshkent. Volume 2 № 4, 2021. С. 182-184.
6. Содиқова.З.Ш, Султонов.Р.К, Юсупова.Ш.А, Камолова.Г.Б.. Бир ёшда бўлган чақалоқлар ўпка ичи бронхлари деворлари морфологиясининг морфометрик кўрсаткичларини ўрганиш. Том 2 № 13 (2022): Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences. 162-167 бетлар.
7. Барышникова О.В. К вопросу лечения больных хроническим панкреатитом с сопутствующим гипотиреозом /О.В. Барышникова // Врачаспирант. - 2012. - №2 (51). - С.88-92

